


Аллоҳнинг розилигини топиш



17:36 / 06.09.2023 2545

Мадина аҳлидан бўлган бир кишидан ривоят қилинади:

«Муовия мўминларнинг онаси Оишага мактуб ёзиб: **«Менга бир мактуб ёзиб, насиҳат қилгин. Чўзиб юборма»**, деди. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо ёзди: **«Муовияга. Саломун алайка. Аммо баъду: «Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагини айтаётганларини эшитдим: «Ким Аллоҳнинг розилигини одамларнинг норозилиги билан изласа, Аллоҳ уни одамларнинг таъминотидан халос қилади. Ким одамларнинг розилигини Аллоҳнинг норозилиги билан изласа, Аллоҳ уни одамларга ташлаб қўяди». Вассалому алайка»**.

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.